



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Эргашева Юлдуз Алимовна
*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Бурдиашвили Майя
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный университет, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий Университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети

Зияева Доно Хамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Агзамова Гулчехра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Джоробекова Айнур Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти

Толипов Файзулла Саидович
*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1.Рафикжон Атаханов ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (хўжалик-маданий анъаналар тавсифи ва таҳлили).....	4
2.Фахриддин Абдулбоқиев ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИННИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР.....	10
3.Илхомжон Гуламов XIX АСР ОХИРИ ТУРКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ТАРИХ, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР.....	18
4.Дилшод Комолов ТУРКИСТОН АССРДА АНЪАНАВИЙ СУДЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	24
5.Фазилат Нурметова ЎЗБЕКИСТОН-ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (2000-2020 йиллар).....	31
6.Рислиғой Расулова ТУРКИСТОН ТАТАР ДИАСПОРАСИ МАСАЛАСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА БИР НАЗАР.....	37
7.Нилуфар Рахматова ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ВА УНДА ХОТИН -ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	44
8.Дилшода Рўзиева ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЁЛ МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	50
9.Шавкатжон Тўланбоев ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР МАСАЛАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ.....	55
10.Бахтиёр Халмуратов, Мадина Бахриддинова МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	61
11.Солижон Қудратов ҚАДИМГИ ФАРҒОНА (ДОВОН) ПОДШОЛИГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	68
12.Шахноза Холикулова ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ.....	74

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Рислиғой Расулова,
Ўзбекистон Миллий университети
Тарих факультети Ўзбекистон тарихи
кафедраси таянч докторанти

ТУРКИСТОН ТАТАР ДИАСПОРАСИ МАСАЛАСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА БИР НАЗАР

For citation: Risligoy Rasulova, A LOOK AT THE HISTORIOGRAPHY OF THE TATAR DIASPORA OF TURKESTAN. Look to the past. 2020, vol. 6, issue 3, pp.37-43

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-6-6>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи чорагида Туркистонда татарларнинг турли хил жабҳалардаги фаолиятини ўрганган олимларнинг тадқиқотлари қиёслаб ўрганилди. Тадқиқотлардаги даврий чегара кенг олинмаганлиги ва тадқиқот объекти сифатида татарларнинг фаолияти комплекс тарзда ўрганилмаганлиги мақоланинг долзарб муаммоси сифатида очиқ берилди.

Калит сўзлар: Туркистон, татар, жадидчилик, Россия империяси, маърифатпарварлар, янги усул мактаби, европача театр, матбуот.

Рислиғой Расулова,

Исторический факультет
Национального университета Узбекистана
докорант кафедрсы история Узбекистана

ВЗГЛЯД НА ИСТОРИОГРАФИЮ ТАТАРСКОЙ ДИАСПОРЫ ТУРКЕСТАНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье сравниваются исследования ученых, изучавших деятельность татары в Туркестане в различных областях во второй половине XIX века - первой четверти XX века. Актуальная проблема статьи была выявлена в том, что периодические границы в исследованиях были неширокими, а деятельность татарского диаспора как объекта исследования не была всесторонне изучена.

Ключевые слова: Туркестан, татары, джадидизм, Российская империя, просвещение, новая методистская школа, европейский театр, пресса.

Risligoy Rasulova,
Faculty of History,
National University of Uzbekistan
Basic Doktoral student
of the Department of History Uzbekistan

A LOOK AT THE HISTORIOGRAPHY OF THE TATAR DIASPORA OF TURKESTAN

ABSTRACT

This article compares the research of scholars who studied the activities of the Tatars in Turkestan in various fields in the second half of the XIX century – the first quarter of the XX century. The topical problem of the article was revealed in the fact that the periodic boundary in the researches was not wide and the activity of the Tatars as an object of research was not studied in a comprehensive way.

Index terms: Turkestan, Tatar, Russia Empire, enlightenment, New Methodist school, European Theater, press.

1. Долзарблиги:

XX асрда дунё аҳолисининг миграцион жараёнлари глобал тус олиб, иммигрантлар ўзига хос маданият, ҳаёт тарзи ва тили билан фарқ қиладиган диаспораларга айланди. Жаҳоннинг етакчи илмий муассасалари томонидан диаспораларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти масалаларига оид устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, диаспоранинг пайдо бўлиш ва ривожланиш истикболлари, диаспоранинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрни, диаспора ҳаётининг фаолиятидаги сиёсий жиҳатлар, диаспораларнинг миграцион жараёнлардаги роли шулар жумласидандир. Ўзбекистондаги 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларига ўз миллий маданияти, урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга шароитлар яратиб берилган. Кўп миллатли Ўзбекистон Республикаси таркибида ўзига хос маданияти, урф-одат ва анъаналарига эга миллатлардан бири – татарлар ҳисобланади. Ўзбекистондаги татарлар ўз тарихи, этногенези, моддий ва маънавий маданияти, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти давомида мамлакат ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келганлар. Уларнинг Ўзбекистонга миграцияси, демографик ҳолати, хусусан, совет давридаги маданий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги тутган ўрнига бағишланган алоҳида тадқиқотлар олиб борилган.

2. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгунга қадар, айрим тарихий жараёнлар холисона, кези келганда танқидий жиҳатдан ёритилмади. Зеро, мустақиллик йилларида тарихимизга, ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнига янги қараш имконияти туғилди. Совет давридаги адабиётларда XIX аср охири - XX аср бошларида Россия империяси турк-мусулмон дунёсида юзага келган жадиличлик ҳаракатининг ижобий жиҳатларидан кўз юмилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, “Ўзбекистон ССР тарихи” китобида “...жадиличлик ҳаракати вакиллари инқилобий ҳаракатларнинг душманлари бўлиб, улар чоризм билан осойишта тил бириктириш йўлини тутдилар. Ўз мамлакатларининг мустақиллигини қўлга киритиш учун эмас, балки синфий манфаатлари йўлида курашдилар. Жадиждар тарғиботига маҳаллий аҳоли ҳеч қандай хайрихоҳлик кўрсатмади”, - дея асосиз фикрлар билдирилган[1]. Аммо, совет тузуми даврида ҳам татарларнинг Туркистон бошқарув тизимида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўринларини қайд этиш ҳоллари учраб туради. Масалан, академик-шоир Ғ. Ғулом ўз даврида татар маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолиятига баҳо бериб, дастлабки тилмочлар, расмий ва адабий таржимонлар, даврий матбуот, матбаа ишлари ҳамда миллий театр санъати асосчиларини асосан татарлар ташкил этганлигини таъкидлаган[2]. Шунингдек, Р.Н. Холматовнинг XX аср 80-йиллари охирида ёзилган Фарғона водийсидаги матбаа ишлари тарихига бағишланган илмий тадқиқотида ҳам Хусайн Мақаев, Абдуфаттоҳ Абдусатторов каби татар матбаачилари фаолияти хусусида қисқача маълумот берилган[3]. Н. Абдуазизованинг “Туркистон матбуоти тарихи” китобида ҳам миллий матбуотимиз тараққиётида, уни бошқарувида татар зиёлиларининг тутган ўрни ҳақида фикрлар мавжуд[4]

Туркистон ўлкаси миллий маорифини шакллантиришда ҳам татар муаллимлари инкор этиб бўлмайдиган ютуқларга эришганлар. Жадиличлик ҳаракати тарихи бўйича тадқиқот

олиб борган Б. Қосимов асарларида татар маърифатпарварларининг Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, унинг И.Гаспринский ҳаёти ва фаолиятига оид рисоласи алоҳида аҳамиятга молик. Бундан ташқари олимнинг жадидчилик тарихига оид бир қатор асарларида татарларнинг Туркистонда жадид мактабларини ташкил этиш, уни бошқариш ҳамда муаллимлик қилишда, миллий матбуот ва бошқа ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаолиятлари ҳам атрофлича ёритилган[5].

Лекин XIX аср охири - XX аср бошларидаги ўлка халқ маорифи тарихини ўрганган Ш. Исмаилов ўз тадқиқотида рус-тузем, маҳаллий эски ва янги усул мактабларининг тузилиши, асосий йўналишлари ҳақида фикр юритса-да, янги усулдаги татар мактаблари хусусида тўхталмаган[6]. Деярли шу даврни ўз тадқиқоти учун асос қилиб олган Х.Х. Ҳакимов эса, асосий эътиборни Қозондаги татар ўқитувчилар мактабининг рус-татар ҳамкорлиги маркази бўлганлиги ва унинг илғор педагогик ғояларига қаратган[7]. Ваҳоланки, Қозон шаҳридаги «Муҳаммадия» мадрасаси, биз тадқиқ этаётган даврда нафақат Россия губерниялари, балки Туркистон учун ҳам йирик таълим муассасаларидан бири эди. Шунингдек, У. Долимов тадқиқотларида ҳам татар маърифатпарварларининг Туркистон жадидлари билан маориф соҳасидаги ҳамкорлик масаласи ўз ифодасини топган. Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида дастлабки янги усул мактабларининг асосчилари татарлар эканлигин қайд этиб, Туркистондаги жадид мактаблари тараққий этишида татар муаллимларининг ҳар қандай чеклов ва тазйиқларга қарамай, жонбозлик кўрсатганликлари, ўқитиш тизимларини нафақат оддий халқ, балки ҳукмдорлар ҳам эътироф этганликларини асослаб берган[8].

Татар маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолияти тўғрисида Я.А. Абдуллаева ҳам ўз тадқиқотида тўхталган. Хусусан, у Амударё бўлими ҳудудида жадид мактаби очиб, маҳаллий аҳоли болаларини ўқитган татарлардан бўлмиш Б. Салимова ва Ю. Аҳмедов фаолияти ҳамда мазкур мактаблардаги ўқитиш тизими ҳақида маълумот бериб ўтган[9]. Хива хонлигининг XIX аср охири XX аср бошларидаги тарихини тадқиқ этган М.У. Қаюмов эса хонликда очилган янги усул мактаблари асосчилари татар муаллимлари бўлганлигини қайд этиб, А. Ҳусайнов, Ҳ. Қўшаев ва Абдурашитовлар фаолиятига алоҳида тўхталган[10].

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда татар-бошқирд маърифатпарварлари фаолиятини атрофлича ўрганган А.А. Исоқбоев ўлкадаги янги усул мактабларида фаолият кўрсатган татар муаллимлари – Б.Чанишева, Т. Файзирахмонова, Р. Даутова, Г. Хисматуллина, М. Шигабутдиновалар ҳақида тўхталиб ўтган[11].

XIX аср охири – XX аср бошларига оид К.А. Воҳидова, Д.Н. Ражабова, М.Ф. Шарипова, Ф.Н. Эрназаров ва А.М. Худойкулов каби муаллифлар тадқиқотларида ҳам татар маърифатпарварлари фаолиятига доир маълумотлар учрайди[12].

Татарлар Туркистондаги маорифни тубдан ислоҳ қилишдан ташқари, ўлкага “европача театр”ни ҳам кириб келишида хизматлари катта ҳисобланади. Х. Махмутов, И. Илялова, Б. Гиззат асарлари ва “Татар совет театры” китобида татар театр труппалари (“Сайёр”, “Нур”) нинг Туркистонга ташрифи, И. Кудашев-Ашказарский, А. Қориев, З. Боязидский ва бошқа татар актёрларининг Туркистонда миллий театр санъатини вужудга келишидаги ўрни ҳақида фикрлар билдирилган[13].

Ш.Ризаев жадид драматургияси масаласига оид тадқиқоти ва асарларида ўзбек миллий театр санъатининг шаклланишида татар театр труппалари, актёрлари ва режиссёрларининг катта ўрин тутганлигини эътироф этган. У ўз тадқиқотида миллий театр санъатининг вужудга келишида ўз ҳиссасини қўшган татар актрисалари - Соҳибжамол Иззатуллина-Волжская, Саодат Еникееваларнинг фаолиятига атрофлича тўхталган. Мазкур аёллар таъсирида шаклланган дастлабки ўзбек актрисаси Маъсума Қориеванинг ижодий фаолияти ҳақида қайд этган[14]. Шунингдек, А.Расулов, А.Исоқбоев ва Д. Насретдиноваларнинг “Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида татарлар” номли монографиясида ҳам татарларнинг ўлкадаги матбаа ишларида, ижтимоий – сиёсий ҳаракатларда, даврий матбуот тараққиётида ва театр санъати ривожидида тутган ўрни ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу китобда татарларнинг Туркистондаги фаолиятини бир мунча комплекс тарзда ўрганилган, лекин ҳарбий соҳадаги фаолиятига тўхталинмаган. Китоб

фойдаланилган манбалар доираси кенглиги, хорижий ва маҳаллий адабиётлар кўплиги билан муҳим аҳамиятга эга. Муаллифлар тадқиқотида архив ҳужжатлари ва матбуот материалларига ҳам кенг ўрин ажратган[15].

Тадқиқотчилар орасида алоҳида татар аёлларининг Туркистондаги фаолиятини тадқиқ этганлар ҳам мавжуд. Шундай тадқиқотчилардан бири Д. Насретдиновадир. Ўзининг “Туркистоннинг маданий ҳаётида татар аёллари” номли монографиясида татар аёлларининг ўлка аёллари орасидан дунёвий илмга эга аёлларнинг етишишига, аёлларнинг санъат соҳасига кириб келишига қўшган хиссалари тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган. Қолаверса, татар аёллари театр намоишидан тушган маблағларни ўлкадаги ночор болаларнинг илм олишлари учун хайрия ишларини амалга оширганликлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган[16]. Мазкур тадқиқотда аёлларнинг фақатгина ўлкадаги маданий ҳаётдаги ўрни таъкидланган бўлса, Д.А.Алимованинг тадқиқотларида ҳукмрон фирқа томонидан олиб борилган хотин-қизларни “озодликка чиқариш” ва уларни маданий-маърифий ишларга тортиш масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликларни кўрсатиб ўтган. Д.А.Алимованинг тадқиқотида маҳаллий аёллар орасида тарғибот ишларини олиб боришда хотин-қизлар бўлимлари асосий ўрин тутганлиги ҳақида сўз юритилиб, бу бўлимларни фаолиятини ташкил этишда М.Ю.Осупова, З.Бурнашева, Хусанбаева, Ш.Каримова каби татар аёллари бўлганлигини қайд этган[17].

С.Б.Шодмонованинг “Туркистон хотин-қизларининг жамиятда тутган ўрни” номли мақоласида эса XX аср бошларида татар аёлларининг ўлкадаги хотин-қизларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши борасида илғор фикрлар билан газеталарда чиқишлар қилганликлари ҳақидаги маълумотлар тегишли манбалар орқали қайд этилган. Шу билан бирга Р. Гарафетдинов, И. Илялова, Г. Раҳимова, О. Собиров, Ш. Турдиев, М.Нурмухаммедоваларнинг тадқиқотларида ҳам мавзуга оид айрим маълумотлар учрайди[18].

Д.Усмонова томонидан чоп этилган китобида Волгабўйи, Уралолди ва Қрим худудларидан татарлар, шунингдек Ўрта Осиёдан ўзбек ва қозоқлар, Кавказдан озарбайжон, чечен, доргун, лезгин, текинларнинг сиёсий фаолияти тўғрисида фикр юритилади. У ўз тадқиқотида асосий эътиборни турк – мусулмон депутатлари фракциясининг Россия Давлат Думасидаги “виждон эркинлиги” муаммолари ечимидagi фаолиятига қаратади. Мазкур муаммо юзасидан кўпгина қонун лойиҳалари ишлаб чиқилгани ва уларни Давлат Думасида кўриб чиқилганига эътибор берилган. Яна эътиборга молик томони шуки, тадқиқотда мусулмон – турк депутатлари портрети ҳам берилган. Бу ўша давр муҳити: миллий кийимлардан ҳам далолат беради. Тадқиқотчи Т.Котюкова ҳам ўз мақоласида Россия империяси Давлат Думаси мусулмон фракцияси депутати С.Мақсудийнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратган[19].

Тарихчи олим Аҳмад Заки Валидий Тўғон хотираларида ҳам Туркистон Мухторияти учун курашда татар зиёлилари, жумладан ўз фаолиятига ҳам кенг ўрин ажратган. Хусусан, 1912 йилда чоп этилган “Турк ва татарлар тарихи” номли китоби татарларнинг Туркистонда олиб борган фаолиятларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга[20]. Яна шу ўринда, С. Аъзамхўжаев ва А. Мингноров тадқиқотларида татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистонда миллий мухторият (Туркистон Мухторияти) учун курашдаги сиёсий фаолиятлари ўрганилганини айтиб ўтиш мумкин[21].

А.Жалолов ва Ҳ. Ўзганбоевларнинг миллий матбуот тарихига бағишланган китобида эса “Тараққий” газетаси ва унинг муҳаррири И. Обидов фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбек тилида нашр этилган ушбу газета қисқа давр мобайнида жаҳолат ва адолатсизликка қарши аёвсиз курашганлиги, мустамлакачиларнинг мутаассиб руҳонийларни унга қарши гиж-гижлаганликлари ҳақидаги қизиқарли маълумотлар ўрин олган[22].

Туркистон ҳаётидаги татарларнинг ўрганилишидаги тадқиқотлар орасида А.Н. Расуловнинг илмий изланишларига ҳам тўхташ жоиз. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихига оид олиб борган тадқиқотларида татар аёлларининг ўлкадаги ижтимоий-сиёсий, маданий фаолиятига ҳам ўрин ажратилган.

Жумладан, у Октябр давлат тўнтариши (1917) дан сўнг ўлкада маориф ва маданият соҳасида фаолият кўрсатган Зоҳида Бурнашева, Ханифа Пантошева, Лола Тухватова, Зинаида Қулмаматова, Ойша ва Марям Саиновалар ҳақида маълумотлар берган[23].

3. Хулосалар:

Бугунги кунда диаспоралар фаолиятини атрофлича тадқиқ этиш шуни кўрсатмоқдаки, уларни ўрганиш нафақат илмий-назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Зеро, диаспораларнинг эркин фаолият юритишлари мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлабгина қолмай, балки иқтисодий ривожланиши ҳамда халқаро дипломатик алоқаларни янада кенгайтириш учун ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу масалаларни тадқиқ қилиш, Ўзбекистон тарихи масалаларини ёритишда диаспорология йўналишининг натижаларига эътибор қаратиш ва жаҳон фанлари билан интеграциялашув жараёнларида ҳам ижобий роль ўйнайди.

Мустақиллик йилларида бир қатор олимлар тадқиқотларида, татарларнинг Туркистон ўлкасидаги фаолияти турли жабҳаларда намоён бўлишига қарамай, бугунги кунга қадартатарларнинг Туркистон бошқарув тизимидаги иштироки алоҳида объект сифатида ўрганилмаган. Тадқиқотларда асосий эътибор ижтимоий-сиёсий, маориф ва маданият соҳаларига қаратилган. Ваҳоланки, татарларнинг қай тарзда Туркистонга кириб келиши, ҳарбий соҳалардаги фаолияти, Туркистон бошқарувида Марказ татарлардан қандай мақсадларни амалга оширишда фойдаланилгани, ўлкада татарларга дастлаб қандай муносабатлар билдирилишига етарлича тўхталиш мумкин эди. Шу боисдан ҳам мавзуга оид адабиётлар таҳлил қилиниб, эски ўзбек ёзувидаги даврий матбуот ҳамда архив манбаларини тилга киритган ҳолда, татарларнинг Туркистон бошқарув тизимидаги фаолиятини ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Ўзбекистон ССР тарихи. –Т.:Ўқитувчи, 1983. –Б.25.(O`zbekistonSSR tarixi. –Т.: O`qituvchi, 1983. –В. 25.)
2. Гулям Г. Габдулла Тукай и наш поэт Слово о Тукае. –Казань: Татарское книжное издательство, 1986. –С.18-22.(Gulyam G. Gabdulla Tukay I ash poet Slova o Tukaye. –Kazan: Tatarskoye knijnoye izdatelstvo, 1986. –S.18-22.)
3. Холматов Р.Н. Из истории узбекской старопечатной арабграфичной книги и книжной культуры в городах Ферганской долины (1867-1917 гг): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. - Т., 1989. –С.7. (Xolmatov R.N. Iz istori i uzbekskoy staropечатnnoy arabografichnoy knigi I knijnoy kulturi v gorodax Ferganskoy dolini (1867-1917gg): Avtoref. Diss. ... kand. istor. nauk. –Т.,1989. –S. 7.)
4. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917) / Тузувчи Н.А. Абдуазизова. – Т.: Академия, 2000. -Б.35-39, 69-72, 80 (Turkiston matbuoti tarixi (1870-1917) / Tuzuvchi N.A. Abduazizova. –Т.: Akademiya, 2000.-В. 35-39, 69-72, 80.)
5. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспирли. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. Унинг ўзи. Маслакдошлар. – Т.: Шарқ, 1994; Унинг ўзи. Миллий уйғониш. - Т.: Маънавият, 2002.(Qosimov B. Ismoilbek Gaspirali. Т.: G`afur G`ulom nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi, 1992. Uning o`zi. Maslakdoshlar. –Т.: Sharq, 1994. Uningo`zi. Milliyuyg`onish. –Т.: Ma`naviyat, 2002.)
6. Қаранг: Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX века: Автореф. дисс. ...канд. истор. наук.-Т., 1981.(Ismailov Sh. Narodnoye obrazovaniye v Uzbekistane v kontse XIX – nachale XX veka: Avtoref. diss. ... kand. istor. nauk. –Т., 1981.)
7. Хакимов Х.Х. Казанская татарская учительская школа как видный центр русско-татарского содружества и передовой педагогической мысли (1876-1917 гг.): Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. –Казань, 1973. (Xakimov X.X. Kazanskaya tatarskaya uchitelskaya shkola kak vidniy tsentr russko-tatarskogo sodrujestva i peredovoy pedagogicheskoy misli (1876-1917) Avtoref. diss. ... kand. ped. nauk. –Kazan, 1973.)

8. Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. –Т.: Университет, 2006. –Б.18-86. (Dolimov U. Turkistonda jadid maktablari. –Т.: Universitet, 2006. –В. 18-86.)
9. Абдуллаева Я. А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (XIX аср охири ва XX аср). Т.: “Ijod dunyosi”, 2011. (Abdullayeva Ya.A. Qoraqalpog’iston хотин-qizlari: kecha va bugun (XIX asr oxiri – XX asr). –Т.: “Ijod dunyosi”, 2004.)
10. Қаюмов М.У. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошида Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар: Тарих фан. номз. дисс. – Т., 2006. – Б. 72-75. (Qayumov M.U. XIX asr ikkinchi yarmi XX asr boshida Xiva xonligidagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar: Tarix fan. nomz. diss. –Т., 2006. –В. 72-75)
11. Исоқбоев А.А. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатпарварларининг фаолияти (XIX аср охири XX аср бошлари): Тарих. фан. номз. дисс. автореферати. – Тошкент, 2008. (Isoqoyev A.A. Turkiston ijtimoiy-siyosiy va madaniy hayotida tatar-boshqird ma`rifatparvarlarining faoliyati (XIX asr oxiri XX asr boshlari): Tarix fan. nomz. diss. –Т., 2008.)
12. Худойкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX-начало XX в.):Дисс. ... канд. истор. наук. –Т., 1995; Вохидова К.А. ИсхакханЖунайдуллаходжаИбрат и его научно – историческое наследие: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. - Т., 2002; Ражабова Д.Н. Проблемы молодёжи и женщин в воззрениях джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.): Автореф. дисс ... канд. истор. наук. - Т., 2003; Шарипова М.Ф. Тошкентнинг XIXасрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи. Тарихфан. номз. ... дисс. –Т., 2004; Эрназаров Ф.Н. XIX аср охири XX аср бошларида Хива хонлигидаги маданий ҳаёт: Тарихфан. номз. ... дисс. автореферати. –Т., 2005.(Xudoyqulov A.M. Prosvetitelskaya deyatelnost djadidov Turkestana (konets XIX – nachalo XX) Diss. ... kand. istor. nauk. –Т., 1995; Vohidova K.A. Isakhan Djuaydullaxo`ja Ibrat I yego nauchno-istoricheskoye naslediye: Avtoref. diss. ... kand. istor. nauk. –Т.,2002; Rajabova D.N. Problemi molodyoji I jeshin vvozzreniyax djadidov Turkestana (konets XIX – nachalo XX vv.): Avtoref. diss. ... kand. istor. nauk. –Т.,2003; Sharipova M.F. Toshkentning XIX asrning ikkinchi yarmi XX asr boshlaridagi I jtimoiy-siyosiy ahvoli. Tarix fan.nomz. ... diss. –Т., 2004; Ernazarov F.N. XIX asr oxiri XX asr boshlarida Xiva xonligidagi madaniy hayot: Tarix fan.nomz. ... diss. avtoreferati. –Т., 2005.)
13. Махмутов Х., Илялова И., Гиззат Б. Октябрьгэ кадэрге татар театры (татар тилида). –Казань: Татарстан китап нэшрияты, 1988; Татар совет театры (татар тилида). - Казан: Татарстан китапнэшрияты, 1975. (Maxmutov X., Ilyalova I., Gizzat B. Oktyarge kaderge tatar teatri (tatar tilida). –Kazan: Tatarstan kitap neshriyati, 1988; Tatar sovet teatri (tatar tilida). –Kazan: Tatarstan kitap neshriyati, 1975.)
14. Ризаев Ш. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари: Филология фан. номз. дисс... – Тошкент, 1995. - Б. 80.; (Rizayev Sh. O`zbek jaded dramaturgiyasi shakllanish manbalari: Filologiya fan. nomz. diss... -Т., 1995. –В.80.)
15. Расулов А., Исоқбоев А., Насретдинова Д. Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида татарлар. – Т.: “TURON-IQBOL”. – 2019. -191бет. (Rasulov A., Isoqboyev A., Nasretdinova D. Turkiston ijtimoiy-siyosiy, madaniy hayotida tatarlar. –Т.: “TURON-IQBOL”. - 2019. -191 bet.)
16. Насретдинова Д. Туркистон маданий ҳаётида татар аёллари. – Т.: “Yangi nashr”, - 2015. (Nasretdinova D. Turkiston madaniy hayotida tatar ayollari. –Т.: “yanginashr”,-2015.)
17. Алимова Д.А. Женский вопрос в советской историографии Средней Азии: Автореф. дисс. ... док. истор. наук. – Т., 1991. –С.40.(Alimova D.A. Djenskiy vopros v sovetskoj istoriografii Sredney Azii: Avtoref. diss. ... dok. istor. nauk. –Т., 1991. –С.40.)
18. Шодмонова С. Б. Туркистон хотин-қизларининг жамиятдаги тутган ўрни // Жамият ва бошқарув, 2006. № 2. – Б. 91- 93. Гарафетдинов Р. Татар яшьлеренен демократик херекете тарихыннан (1910-1914). – Казань.: Татарское книжное издательство, 1967. – С. 35-38; Илялова И. Межнациональные связи татарского театра. –Казань.:Татарское книжное издательство. 1985. -. С. 77-82; Собиров О. Хоразм вохаси театрлари (1917-1941). – Т.:

Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 81-82; Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. Т.: Фан, 1991. 105-115 ; Раҳимова Г. Жадиқлар ва аёллар масаласи // Адабий мерос, 1992. №1. -Б. 63-66.; Нурмухаммедова М. Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар. – Т.: Ўқитувчи, 1993.(Shodmonova S.B. Turkiston хотин-qizlarining jamiyatdagi tutgan o'rnini // Jamiyat va boshqaruv, 2006. –В. 91-93.; Gaferitdinov R. Tatar yashlarenen demokratik xereketi tarixinan (1910-1914). –Kazan: Tatarskoy knijnoye izdelstvo, 1967. –С. 35-38.; Ilyalova I. Mejnatsionalniyesvyazi tatarskogoteatra. –Kazan: Tatarskoye knijnoye izdelstvo. 1985. –С.77-82.; Sobirov O. Xorazm vohasi teatrlari (1917-1941). Т.: G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1991. –В.81-82.; Turdiyev Sh. UlarGermaniyadao'qiganedilar. Т.: Fan, 1991. –В.105-115.;RahimovaG. Djadidlarvaayollarmasalasi // Adabiymeros, 1992.№1. –В.63-66.; NurmuhammedovaM. O'zbekistondamadaniy-ma'rifiyishlar. Т.: O'qituvchi, 1993.)

19. Усманова Д. Мусульманская фракция и проблемы «Свободы совести» в Государственной Думе России (1906-1917). -Казань: “Мастер Лайн”, 1999, 164 с.Котюкова Т. Национальный вопрос и деятельность мусульманской фракции Государственной Думы Российской Империи //Ўзбекистондамиллатлараромуносабатлар: тарихваҳозиргизамон. –Т., 2003. –Б.123-125. (Usmanova D. Musulmanskaya fraksiya I problem «Svobodi sovesti» v Gosudarstvennoy Dume Rossii (1906-1917). –Kazan: “Masterlayn”, 1999, 164 s.; KotyukovaT. Natsionalniy vopros Ideyatelnost musulmanskoy fraksi I Gosudarstvennoy Dumi Rossiyskoy Imperii // O'zbekistonda millatlararo munosabatlar: tarix va hozirgi zamon. –Т., 2003. –В. 123-125.)

20. Туган З.В. Воспоминания. (Борьба народов Туркестана и других восточных мусульман-тюрков за национальное бытие и сохранение культуры.). Книга I. - Уфа: Китап, 1994.(Tugan Z.V. Vospominaniya. (Borba narodov Turkeстана i drugix vostochnix musulman-turkov za natsionalnoy bitiye i soxroneniye kultiri.). Kniga I. –Ufa: Kitap. 1994.)

21. Агзамходжаев С.С. Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917-1918 гг.): Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. - Т., 1996; Мингноров А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари давр миллий матбуотида (1917 йил февраль-1918 йил ўрталари): Тарих фан. номз. ... дисс. –Т., 2000; (Agzamxo'jayev S.S. Turkiston muxtoriyati: borba za svobodu i nazavisimost (1917-1918gg.): Avtoref. diss. ... dokt.istor. nauk. –Т.,1996; Mingnоров А.Т. Turkistonda milliy ozodlik masalalari davr milliy matbuotida (1917 yil fevral-1918 yil o'rtalari): Tarix fa.nomz. ... diss. –Т., 2000.)

22. Жалолов А., Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Т.: Фан, 1993. (Jalolov A., O'zgaboyev H. O'zbek ma'rifatparvarlik adabiyotining taraqqiyotida vaqtli matbuotining o'rnini. –Т.:Fan, 1993.)

23. Расулов А.Н. Интернациональная помощь партийных организаций, трудящихся Средневолжского региона народам Туркестана (1918-1924 гг.): Дисс... канд. истор.наук, Казань.1990. -С. 221-240. Унинг ўзи, Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йй.). – Т.: Университет, 2005. – Б. 103-108 (Rasulov A.N. Internatsionalnaya pomosh organizatsiy, trudyashixsya Srednovoljskogo regiona narodam Turkeстана (1918-1924gg.): diss. ... kand. istor. nauk, Kazan, 1990. –S.221-240.; Uning o'zi, Turkiston va Volgabo'yi, Uraloldi xalqlari o'rtasidagi munosabatlar (1917-1924yy.). –Т.: Universitet, 2005. –В. 103-108.)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000